



ЛИНГВОПОЭТИК ПАРАДИГМА ВА ГЕРБАРИЗМ

Таджибаев Мусажан Сабирович,
ЎзДЖТУ профессори, филология фанлари доктори
E-mail: musajants@gmail.ru

Ботирбоев Фаррух Пайзивай ўғли
ЎзДЖТУ тадқиқотчиси
E-mail: farrux_botirboyev@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14995194>

Аннотация. Мақолада ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида кенг қўлланган лугавий бирликларнинг этимологик қирраларини гербаризм методида таҳлил қилиш асослари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: архилексема, архифакт, архисема, архетип, этимология, гербаризм, герб.

Герменевтик методнинг асосида турган силлогизмда дунёнинг, борлик жараёнларининг қатма-қатлиги алоҳида таъкидланади. Фалсафанинг ғоявийлик таълимоти бўлмиш идеализмда борлиқнинг ғоядан иборатлиги асосланади. Ваҳоланки, ғоя, бу-онг, онг эса, сўз демакдир. Сўз инсоният учун дунёни очиш, кашф қилиш ва унинг ранг-баранг парадигматик имкониятларини яратишнинг ягона маъно ва тугаллиги манбаидир. Биз бор-ликни сўз орқали кашф қиламиз. Диний адабиётларда Аллоҳ дунёни яратишда бир сўз айтганлиги таъкидланади: “Бўл” деб. Илмда санъаткор ва физиклар ўртасидаги тортишув аслида мана шу муаммонинг ечими билан боғлиқ.

Тарихда шундай фактлар борки, бир сўз орқали бутун матннинг маъно-моҳиятини очиш имкони бўлади. Матн феноменологиясида бутун борлик матндан иборат эканлиги эътироф этилади. Демак, борлик маълум бир қоидалар асосида яратилган экан, демак у хаос эмас. Матн феноменологияси бизга матннинг қисмларини ўрганиш борасида унинг асосий мағизи, моҳияти ёки мнъикосини унинг таркибий қисмлари орқали ўрганиш муаммосини қўяди. Матнни ташкил қилган сўзларнинг этимологияси, семантик-стилистик қирралари ва лингвопоэтик имкониятларини ўрганиш биз учун санъат, адабиёт, бадиий ижод фалсафаси, бинобарин, бадиий тафаккурнинг янги қирраларини яратади. Муаммонинг қўйилиши ўз-ўзидан янги соҳаларнинг инъикоси учун ҳам йўл очади. Хусусан, шундай соҳалардан бири гербаризм деб аталади.

Гербаризм терминининг асосида турган “гербарий” сўзи луғатларда қуйидагича таърифланади: [лот.herbarium < herba майса, ўсимлик] – 1) тизимли



ўрганиш учун тўпланган ва қуритилган ўсимликлар коллекцияси; 2) коллекция сақланадиган ва қуритилган ўсимликлар йиғиладиган ва уларни илмий қайта ишловга етказадиган ташкилот номи.¹ Бу сўзнинг асосида ётган “герб” терминига эътибор қаратайлик. Герб ҳозирда бирор бир давлат ёки сулоланинг рамзи сифатида юқори даражадаги учрашув ёки нашрларда қўлланади.

Гербнинг намоён қилиниши ўша жойда герб тааллуқли бўлган давлатнинг вакили иштирок этаётганидан далолат беради. Бу ўринда силлогизм орқали биз бир инсон ёки биргина герб иштироки орқали бутун мамлакат ёки унинг ортида турган бутун бир халқни тушунишимиз мумкин бўлади. “Герб” терминидан ясалган гербаризм ҳам бир асос, бир белги асосида ётган маъно, аҳамиятни унинг асрлар оша шаклланган шохлари, улар орасидаги грамматик парадигмаларнинг фонетик, лексик-семантик таҳлилини шажаравий тарзда амалга оширади. Гербарийда биз дарахтни, унинг келиб чиқиши, тури, нави, ёши кабиларни ўргансак, гербаризмда сўз этимологик шохларининг грамматик товланишини нафақат диахрон, балки геометрик аспектда кузатамиз.

Бу термин фанда биринчи бўлиб Шлейермахер томонидан истилоҳга киритилган. У матнни грамматик аспектда таҳлил қилиш учун сўз ва тушунчаларнинг ибтидо олган дастлабки маъносини яратишда гербаризм методини қўллашни таклиф қилган эди².

Юқоридаги фактдан келиб чиқиб айтиладики, тилда шундай сўз-белгилар борки, улар жуда катта илмий ғоялар учун фокус вазифасини ўтайди. Улар Аллоҳ томонидан берилган улкан имконият асосида инсонда геометрик тасаввур ҳосил қилади. Биз бу борада терминнинг лотинча номидан келиб чиқиб, сўзнинг шакл ва мазмунда муттасил ўсишда бўлишини таъкидлашимиз зарур.

Геометрик фикрлаш орқали сўзнинг айтилиши, истилоҳ қилинишининг ўзи бутун бошли фикрлар, ғоялар ва умуман инсоният тарихига оид барча фактларни бир моментда-вақтда, бир жойда эсланиши ва таҳлилдан ўтказилишининг имконини беради, аниқроғи уларни мужассамлаб катта бир улкан ғоя яратади. Уларнинг таҳлили асосида эса, гербаризм методи ётади. Гербаризм матн таркибидаги унинг асосий мазмуни ёки асосий моҳиятини яратадиган ҳолатни акс эттирадиган сўзнинг дастлабки ёки этимологик маъноларини аниқлашга йўналтирилган фан.

¹ Словарь иностранных слов – Москва: Русский язык. 1983 стр.121.

² Шлейермахер Ф. Герменевтика. Перевод с немецкого А.Л. Вольского.- СПб. «Европейский Дом». 2004.-242с.



Фанда “архилексема”, “архифакт”, “архисема”, “архетип” каби терминлар мавжуд. Уларнинг вазифаси тилдаги қадимий, айтиш мумкинки, инсоният ментал тараққиётида ибтидо вазифасини бажарган сўз ва тушунчаларни акс эттиришдан иборат. Гербаризм ўзининг илмий аҳамияти замирида мана шундай сўз - тушунчаларнинг энг дастлабки маъно-моҳиятини аниқлаш бинобарига уларнинг инсоният учун, унинг ментал тараққиёти учун бирламчи ҳисобланадиган тушунчаларнинг аҳамиятини яратишга ёки шакллантиришга хизмат қилган.

Гербаризм методи филологияда ўта муҳим архетип ёки қадимги сўзларнинг фонетик ёки морфем таркибини тиклаш орқали семантик таркибини шакллантириш методи бўлиб, унда сўз ёки сўз ортидаги бутун бошли матннинг аввало ўзини, қолаверса, ўша матн орқали шаклланадиган бутун бошли тушунчалар дунёсини тиклаш, демакдир. Биз бу борада символ – рамз бўлимида алоҳида айтиб ўтганимизга қарамасдан бу ўринда ҳам алоҳида фикр юритиш зарурати бор. Токи рамз ва гербаризм ўртасидаги фарқни тугал - тўқис аниқлаб олиш учун.

Зеро рамзлар ёки рамзий сўзлар тилда дастлаб иероглифлар тарзида пайдо бўлди. Айрим тушунчаларни яратиш учун белги – иероглифлар яратилган. Улар кейинчалик бутун бошли тушунчаларни акс эттириш даражасига кўтарилди. Хусусан, бир вақтлар уруғ-авлод рамзи дворянлар томонидан қўлланган герб-herb давлат рамзи сифатида давлат тушунчасига эга бўлиб қолди.

Мумтоз адабиёт таркибидаги гербаризм намуналарининг талқини, таҳрири бу - ўша давр руҳини тушуниш, ўша давр маънавий муҳитига кириш, ўша даврда етакчи бўлган ғоя, дунёқараш ҳамда уларнинг яратувчилари билан конгениалликни ҳис қилиш, демакдир. Гербаризм яна асар таркибидаги архетипларда гербарий қилинган ўша давр одамларининг катта ёки кичик шаклдаги руҳий прообразларини, прототипларини яратишдан иборат.

“Герб” термини орқали шаклланадиган бундай тушунча гербаризм терминининг этимологик маъносига ҳам урғу беради. Хусусан, бир сўз ёки истилоҳ ортида турган бутун бошли воқеликни англаш учун замин яратади. Бундай сўзлар инсониятнинг илк онгли ҳаёти кунлари билан боғлиқ бўлиб асрлар ва эралар давомида турли даврларда турлича фонетик ва семантик аспектда қўлланган бўлиши мумкин, аммо ўзининг бошланғич шакл ва маъносининг асосий қирраларини сақлаб келади. Биз эса, ўша қирралар орқали унинг дастлабки вариантини тиклаймиз ҳамда у орқали очиладиган бутун



бошли матн тушунчасидаги ғоялар, фикрлар ва умуман тарихий воқеликни, аниқроқ қилиб айтганда ўша сўздаги илоҳийликни тиклашга асос соламиз.

Бадиий асарда акс этган эпизодлар, уларни ҳаракатга келтирган образлар ҳамда уларнинг логик ва хронологик композициясида тарихий, миллий ёки маҳаллий колоритни акс эттирадиган термин ёки сўзлар иштироқи асарнинг макон ва замонда барҳаётлигини таъминлайди.

Бадиий матн таркибида тил ва тасаввурнинг барча маъно ва шакл бойликлари шундай акс этади-ки, уларни ҳис этиш ҳамда тушуниш тилдаги лингвопоэтик парадигмаларнинг ўзига хос тизимини ташкил қилади. Герменевтик метод таркибидаги гербаризмга хос тушуниш ва талқин қилиш жараёни уларнинг тўлиқ эгалланиши йўлида калит вазифасини ўтайди. Бадиий адабиёт намунаси нафақат тил орқали акс этган муаллифнинг эътиборини жалб қилган воқеа-ҳодисаларни, балки улар орқали муаллиф ва унинг даврининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Матннинг маъно шакллантириш жараёнини эгаллаш уни тушуниш ва ҳис қилишда энг муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Сўз матнда ўзининг шакл ва мазмун ифодаси жараёнида лексик-семантик восита вазифасини бажаради ҳамда тушунча яратади. Тушунчалар борлиқ мавжудлигининг асосий белгилари. Борлиқнинг кимёси бу - тушунчалар. Биз бу ўринда “кимё”ни сўзнинг фонетик таркибидаги таракқиёти орқали борлиқ шакллариномлаш ва изоҳлаш имконияти сифатида тушунаемиз. Ваҳоланки, моддалар таркиби кимёда янгилик учун асос бўлса, уларнинг товушдаги таркиби янги сўз ва тушунчага асос бўлади. Биз қуйида айрим лексик-семантик воситаларнинг этимологик маъносини тиклашда бу методга мурожаат қилаемиз.

Гербаризмда матн таркибини ўрганиш борасида ва унинг таҳлилида биз қуйидагича классификацияни алоҳида таъкидлашимиз лозим:

1. **Фонетик гербаризмлар:** сўз ёки бошқа лингвопоэтик воситалар грамматик қирраларини уларнинг товуш таркибини тиклаш орқали аниқлаш;
2. **Морфологик гербаризмлар:** сўзнинг морфем таркибидаги даврлар оша пайдо бўлган ўзгаришларни тиклаш орқали сўзнинг дастлабки грамматик маъносини тиклашга қаратилган лингвопоэтик воситалар.
3. **Лексик – семантик гербаризмлар:** юқоридаги икки ҳолат орқали сўзнинг яхлит маъно ва шакл манзараси пайдо қилиш, яъни сўзнинг ўзининг сиймосини яратиш.

Ваҳоланки, сўз тил луғат таркибининг асосий, маъно ва мазмун яратувчисидир. У маънолар тизимини ҳам яхлит шакллантириб, сўзнинг матн



орқали борлиқ имкониятларини ярата оладиган ҳодиса. Ҳар қандай тил энг аввало сўз воситасида намоён бўлади ва унинг орқали ички ва ташқи дунёсини борлиққа маълум қилади.

Бадиий матн таркибидаги сўзлар ҳам умумхалқ тили, илмий тафаккур, миллат менталитети билан ҳамоҳанг равишда асрлар оша такомиллашиб, шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Бундай грамматик тараққиёт бадиий асарларнинг парадигматик имкониятларини шаклланиши учун фокус вазифасини ўташи аниқ. Биз қуйида ўзбек мумтоз адабиёти намуналари асносида мана шундай ҳодисаларнинг бадиий санъат, миллий менталитет ёки ижтимоий онг тараққиётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритамиз. Бу ўринда биз учун энг аввало гербаризмнинг бадиий асарни тушуниш, унда акс этган бадиий тафаккурни илғашдаги аҳамиятини яратиш зарурати муҳимдир.

Ҳозирги туркий тилларда фаол луғавий қатламда бўлган “бобо”, “момо” сўзларининг гербаризм таҳлилига эътибор қаратайлик. Аслан, бу сўзлар Одам ато томонидан биринчи бор талаффуз қилинган жумла ёки унинг номларидан ҳисобланмиш биргина “абабака” сўзидан олинганлиги билан характерланади. Айнан шу ҳодиса бу товушларнинг дунё халқлари алифболарида биринчи ҳарфлар бўлишига асос яратган бўлиши мумкин.

Хусусан, ҳозирги ўзбек тилидаги “бобо” ва “момо” сўзларининг гербарий таҳлили уларнинг инсоният тарихидаги энг қадимги тушунча – “яратувчи” тушунчаси учун асос бўлганлигини билдиради. “Бобо” аслида “абаба” шаклида бўлиб, даврлар ўтиши мобайнида “баба”, “аба”, “буви”, “бова”, “бава”, “оба – опа” каби фонетик парадигмаларни яратган. Абабакадаги “ака” қисми эса, “ака”, “ока”, “око” каби шакллар билан фарқланади. Бу ерда мана шу доирадан ўсиб чиққан яна бир сўз бу “тата-дада”. Тата “татар”, “тартар”, “тотор” каби вариантларда қадимий туркий манбаларда акс этган.

Турли туркий тилларда “момо”, “ана”, “анна”, “она” каби шаклларда қўлланадиган сўзларнинг ҳам бирламчи асл шакли “баба”, “мама”, “аба” кабиларнинг турли фонетик варианты бўлган. “Аба” аслан “баба”дан олинган бўлиб, эр кишига нисбатан қўлланган сўз. Хусусан, “Култегин” битигида “Апа тарқан” жумласи эр кишига нисбатан ишлатилган. Қозоқ тилидаги “Абай” эр кишининг антропоними сифатида яна “ота” маъносида корейс тилида “апа”нинг қўлланиши бу фикрни тасдиқлайди.

Апанинг аба билан бир сўз эканлиги аён. Қолаверса, “б” товушининг “п”, “м”га ёки бошқа тилларда бошқа товушга ўтиши натижасида рус тилида “бобо”дан “папа”, “момо”дан “мама” ёки эроний тилларда падар-модар, инглиз



тилида фазер-мазер кабиларнинг келиб чиқиши юқоридаги фикримизни асослайди, уларнинг фонетик вариацияси семантик – стилистик мундарижасини кенгайтирган холос. Одам Ато, яъни “абабака” нинг жинсий нейтраллиги араб тилидаги “туғувчи”, “яратувчи” маъносидаги “волид”, худди шу маънонинг кўплик шакли – рус тилида “родители”, инглиз тилида “parents” кабиларнинг “яратувчилар” ёки “ота-она” маъносини англатиши билан исботланади.

Бу ўринда “бобо”нинг асли “баба”, “момо”нинг асли “мама” ҳам аслан “абаба”нинг фонетик варианты бўлиб, туркий тилларда кенг учровчи лабиализациянинг натижасидир. Ҳозирги туркий тиллар, масалан ўзбек тилида бу сўзнинг аба, баба, оба, буви, бова, бобо, опа, она, эна, ана, бийи, ойи, ойа, ая каби қатор фонетик вариантлари яқин қариндош номи сифатида қўлланади.

Бу сўзнинг рус ва бошқа тиллардаги фонетик ва семантик тараққиёти ҳам қизиқарли маълумотларни беради. Қолаверса, “ота” ва “бобо” маъносида “дед”, “деда” ундан ўсиб чиққан “ада” “ата”, “бува”, “момо” маъносидаги “баба” сўзлари ҳам юқоридаги лексик-семантик вариациялардан узоқ эмаслиги кўриниб турибди. Бу борада бизга яна уларнинг рус тилидаги яқин қариндошлик маъноларини англатувчи “отец”, “дядя”, “тётя” каби турли вариациялари ҳам фикримизга далил бўла олади. Ҳинд-европа тиллари оиласидаги бошқа тилларда “ота-она” маъносидаги падар-модар, фазер-мазер, инглиз тилида яна “daddy”, “mammy” каби вариацияларнинг мавжудлиги туркий тиллардаги яқин қариндошликни англатувчи сўзларнинг гербаризм таҳлили борасида янада муҳим архетипларини яратишимиз учун материал бера олади.

Энг қизиғи, бундай лексик-семантик воситалар ўзбек мумтоз адабиётининг фаол луғат таркибида қўллангани ҳолда қатор поэтик коммуникацияларни мукамал тушуниш, уларнинг матн хусусиятларини миллий онг тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашда хизмат қилади. Гербаризмлар замонавий китобхонни асар ёзилган даврдаги лингвопрагматик муҳитга ошно қилади, китобхонда давр лисоний муҳити, давр менталитети билан конгениаллик ҳосил қилади. Инсоният тақдирини ҳал қилган оламшумул ҳодисаларнинг маънавий руҳини яқиндан тушуниш имкониятини яратади.

Хусусан, тарихий манбалардан маълумки, эрамиздан аввалги мингйилликларнинг бирида ҳозирги Хитойнинг шимолий ўлкаларида турли халқлардан иборат Жужанлар империяси вужудга келган. Бу империянинг ҳақиқий тарихи ҳали етарли ўрганилмаган. Аммо қатор манбаларнинг далолат



беришича, жужанлар асли ўз юртидан ҳайдалган ёки сиқув ва зулмдан қочиб келган одамлардан ташкил топган турли халқлар вакиллари бўлган. Хусусан, ўзбек халқ эртақларидан бўлмиш “Маликаи Хусниобод” асосида яратилган Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул ва Бахтиёр” достонида Ойгул ва Бахтиёр Журжон ўлкасига бориб, у ерда ўзларига ўхшаган сиқув ва подшоҳ зулмидан келган одамлар, мазлумлар қуршовида ўз бахтларини топади. “Журжон” - бу тарихдан бизга маълум Жужан империясининг маҳаллий тилда айтилиши бўлган. Бу манба бизга Жужанлар империясида туркий халқлар ҳукмронлиги ҳақида маълумот олишимиз учун асос беради. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарида бу мамлакат одамлари “яъжуж-маъжуж”лар деб аталган.

Яна қайд қилинишича, Жужан империяси ўз даврида жуда катта кучга айланиб, атрофдаги мамлакатларга хавф солган. Жужанларнинг ҳужум ва босқинидан қўрққан хитойликлар Буюк Хитой деворини яратганлар. Бу – тарих, аммо бу тарих замирида бир муҳим терминнинг этимологияси ётади-ки, биз уни гербаризм орқали аниқлаймиз.

Ҳозирги ўзбек шеваларида кенг қўлланадиган “жижи” сўзининг этимологик қирралари гербаризм методи билан ўрганилганда бу сўзнинг нафақат туркий ёки олтой тиллари, балки инсоният тарихидаги энг эски истилоҳлардан бири эканлиги маълум бўлади.

“Жижи” – “янги туғилган чақалоқ”, “тўдак” ёки “кичкина бола” маъносида шеваларда қўлланади. Унинг келиб чиқишини кўпинча “жажжи” билан боғлайдилар: жижи жажжининг бузилган шакли сифатида қабул қилинади. Албатта, бу сўзлар ўртасида фонетик ва семантик жиҳатдан ўхшашлик мавжуд; аммо мавжуд нарса, бу – ўхшашлик, холос. Зеро “жижи”нинг этимологияси тамомила бошқа ва у бизга жуда катта тарихий маълумотлар ибтидоси учун асос беради. Ваҳоланки, “жажжи”нинг ўзи “жижи” дан олинган бўлиши мумкин.

Абулғозий ўзининг “Шажараи турк” асарида бир маълумотни келтирган. Унинг ёзишича, Чингизхоннинг хотини Жўчихонга ҳомиладор бўлган вақтида Чингизхон сафарга чиқади, шу пайт унга душман бўлган бошқа мўғул қабиласи сардори бостириб келиб, унинг мол-мулкини талаб, Чингизхоннинг бутун аёлларини қўшиб олиб кетади. Шунда, Чингизхоннинг отаси билан аввалда яқин бўлган учинчи бир қабиланинг бошлиғи ўртага тушади, у ҳалиги босқинчи қабила бошлиғини қорнида Чингизхоннинг фарзанди бўлган хотинини қайтариб беришга кўндиради. Улар йўлда келаётганларида Жўжихон туғилади. Чингизхон ўғлини кутиб олиш учун пешвоз чиқади ва хамирга солиб келинган



ўғлини қўлига олиб, “Жўжи келди”, “жўжи келди”, - дейди. Абулғозий давом эттириб ёзади: “Жўжи” темаkning маъноси мўғул тилида “меҳмон” бўлур”, - дейди.

Бу маълумотдан маълум бўладики, “Жўжи” аслида “меҳмон” маъносидаги сўздан олинган исм. Ҳозирда бу сўзнинг турли фонетик вариациялари туркий тилларда “бола”, “ёш инсон”, “чақалоқ” каби маъноларда фаол ёки диалектал лексик қаторни тўлдирди. Масалан, ўзбек тилида “жужук” шаклида ёш болаларни эркалатиш учун қўлланса, бошқирд тилида умуман “бола”, “ёш инсон” маъносидаги тушунча “жўжиқ” ҳамда турк тилида ҳам худди шу маънолардаги тушунча “чўжиқ” шаклидаги сўз билан ясалади.

Ҳозирги ўзбек этнологиясининг муҳим элементларидан ҳисобланган маросим бўлмиш – чақалоқ туғилганлиги маросими билан қутлашда, хонадонга келган одам унинг яқинларига: “меҳмонлар муборак бўлсин, меҳмонлар”, дейди. Худди шу ҳол, “жижи”нинг таркибида мўғулча “меҳмон” маъносининг ҳали ҳам сақланганлиги билан изоҳланади. Аслида эса, империянинг номига асос солган “жужан” истилоҳи хитойча “жуан-жуан” – “чақирилмаган меҳмон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, мўғул тилидаги эски маъноси билан уйқаш келади.

Бу сўзнинг фонетик таркибидаги “ж”, асли “дж” бўлиб, унинг “нурнинг ёки сувнинг оқиши” маъносидаги “жу”дан ясалганлигига ишора қилади. Унинг “дж”га уйқашлиги яна “нур сочиш”, “сув ёғиш” маъноларида “жув-жув” ёки “дув-дув” равишини эслатади. Борлиқнинг асосида аслида нур бўлганлиги, унинг кейин сувга, сувдан тупроққа айланганлигини ҳисобга олсак, “жу-жу”нинг “нур” ва “сув” маънолари экзотика эмас, борлиқнинг яратилишида аввалда нур бўлган, кейин эса, сув.

“Жуан”нинг сув ва нур маъноси ҳинд – европа тилларида ҳам сақланган. Инжу - “сувда яширинган нур”. Байроннинг “Дон Жуан”ида ҳам бу образ исми “нурли, ёқимли, дилтортар” маъноларидан олинганлигига ишора қилади.

Америка ҳиндулари тилида ҳам худди шу маъноларда бу сўзларнинг мавжудлиги уларнинг тарихий географияси чегараси жуда катталигига ишора қилади: уни ҳали ўрганиш керак.

Ўзбек мумтоз адабиёти таркибидаги лингвопоэтик воситалар, адабий клишеларнинг тил луғат таркибининг тараққиёти асносида шакл ва мазмунда янгилашиши табиий жараён. Гербаризм таҳлили эса, бундай жараённи синхрон ва диахрон аспектда кузатиб, бадиий нутқнинг тараққиёт омилларини тўғри баҳолашимизда назарий пойдевор бўлади.



Биз куйида ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва бинобарин, ўзбек адабиётининг лингвопоэтик тараққиётида ўзига хос ўрин тутган Навоий, Бобур, Шабоний, Хожа, Машраб, Огаҳий Амирий, Нодира, Увайсий кабиларнинг асарлари луғат бойлиги мисолида айрим сўзларнинг гербарий таҳлилини амалга ошириш бинобарида уларнинг мумтоз адабиёт лирикасининг мазмун – моҳиятини тўлақонли тушунишга қандай ёрдам берганлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
2. Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.
3. Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики// Хорижий филология. – Самарканд: СамГИИЯ, 2007. – №3(24). – С. 5-6.
4. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
5. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994.
6. Нурманов А. Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Т.: 1992.
7. Нурманов А. Тил ҳақида синтактик назариялар. –Т.: 1988.
8. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика: Учеб. Пособие. – Мн.: Тетра Системс, 2004. – 293 с.
9. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Ж.: «Сангзор нашриёти», 2006. – 91 б.
10. Стернин И.А., Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М.: «Восток-запад», 2007. – 314 с.
11. Galperin I.R. Stylistics - М., 1977.
12. Bloomfield L. An Introduction to the study of Language. N.Y. 1914 p Buranov J.B, Yusupov U.K, Mskulov M.T, SodikoV A.S. The grammatical structure of English, Uzbek and Russian. Tashkent, Ukituvchi PH, 1986.